

Навоий вилояти статистика бошқармаси бошлиғи функционал вазифаси

- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда бошқарма бошлиғининг ўринбосарларини тайинлайди ва лавозимдан озод этади;
 - бошқармага юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва унинг функцияларини амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради;
 - бошқарма фаолиятига раҳбарлик қилади;
- Бошқарманинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлайди;
- бошлиқ ўринбосарлари ва функционал бўлим бошлиқларининг жавобгарлик даражасини белгилайди;
 - бошқарманинг ҳаражатларини белгилайди ва тасдиқлайди;
 - бошқарма ходимлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича белгиланган лавозим окладлари схемасига мувофиқ штат жадвалини тасдиқлайди, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ устама ва қўшимча иш ҳақи тўлаш тартибини, моддий рағбатлантириш ва тақдирлашнинг бошқа шакиллари белгилайди;
 - зарурат ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда бошқарма тузилмасига штатдаги ходимларининг тасдиқланган сонига статистика ишларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар доирасида ўзгартиришлар киритилади;
 - дастурлар бўйича бажариладиган статистика ишлари ҳажмларига мувофиқ молиявий ва моддий техник ресурсларини тақсимлайди;
 - махсус жамғарма маблағларини тасарруф этади;
 - бошқарма ходимларини белгиланган тартибда лавозимларга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;
 - туман ва шаҳар статистика бўлимлари раҳбарларини Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;
 - ўз ваколатлари доирасида туман ва шаҳар статистика бўлимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
 - ўзига юкланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида бошқа барча зарур чораларни кўради;
 - бошқарма томонидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, амалдаги қонун ҳужжатлари ва бошқарма Низомига мувофиқ бошқарма манфаатларини ҳимоя қилади ва унинг мол-мулкни тасарруф этади.
- Кишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлими, Кадрлар бўлими, Бухгалтерия ва молиявий ишлари бўлими, Бош юрисконсулт, Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими, Дастурий-техник таъминот ва маълумотларни сақлаш маркази, Навоий шаҳри, Зарафшон шаҳар ва Кармана туманларига раҳбарликни амалга оширади.